Сафларингизни тўғирланглар! Сафни тўғрилаш намозни мукаммаллигидандир», дедилар

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни тўғирланглар! Сафни тўғрилаш намозни мукаммаллигидандир», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозхонларни сафларини текис ва тўғри қилиб туришга буюрардилар: ҳеч ким бошқалардан олдинга чиқмасин ёки орқада қолмасин. Чунки сафларнинг тўғри ва текис бўлиши намознинг мукаммаллиги ва камолотига далолат қилади. Саф эгри-бугри бўлиши эса намоздаги нуқсон ва камчилик белгисидир.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3031